

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

№58 (203) 2018 йил 24 июль, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ТАРАҚҚИЁТГА, БУНЁДКОРЛИК ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улугбек шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида бўлди.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги замон ҳар қандай мамлакат олдида нефть, газ, кўмир каби қайта тикланмайдиган энергия манбаларини тежаш, ресурсларнинг муқобилидан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш талабини қўймоқда. Юртимизда энергетика соҳасини изчил технологик модернизация қилиш ва самардорлигини ошириш мақсадида Россиянинг «Росатом» давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом энергетикасини барпо этишга киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча

эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони энергия ҳосил қилувчи қувватларни кўпайтириш ҳисобига аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илгор инновацион технологияларни жорий этиш мақсадларини кўзда тутди. Ушбу йўналишдаги давлат сисъати ва атом энергетикаси соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «ММФИ» МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ЯДРО УНИВЕРСИТЕТИ» ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика саноат тармоқлари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси, «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини (кейинги ўринларда «ММФИ» МТЯУ филиали деб юритилади) таъсис этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

2. Қўйидагилар «ММФИ» МТЯУ филиали фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисоблансин:

ядро энергетикаси ва иссиқлик физикасининг тармоқ эҳтиёжларини қондириш учун энг муҳим илмий-технологик

ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фан улуксизлиги ва изчиллиги принципи, шунингдек, жаҳон таълим ҳамда илмий ҳамжамиятига мувофиқ равишда албатта интеграциялаштириш асосида ривожлантириш;

ядро физикаси соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказиш; муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ўқитишнинг педагогик услублари ва технологияларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ мuddатли муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш.

(Давоми 2-бетда)



«Дўстлик» бўйида сўлим масканлар

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотлар самарасида юртимиз тобора обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда йирик бунёдкорлик ишлари жаддалашган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасини 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида Нукус шаҳри ва

Беруний тумани марказида ободонлаштириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктура қилини.

йўналтирилган кенг қўламли курилиш ишлари олиб борилди.

Ушбу дастурга кўра, Нукус шаҳрини кесиб ўтадиган «Дўстлик» каналининг икки ярим километри мукаммал реконструкция қилинди.

Канал қирғоқлари бетонлаштирилиб, унинг соҳилида ижтимоий-маданий иншоотларни ўз ичига олган дам олиш масканлари барпо этилди. Канал атрофида янгидан

бир неча намунавий ва кўп қаватли уй-жойлар барпо қилинди. Ҳозирда канал қирғоқларидаги сўлим жойлар ва замонавий фавворалар шаҳарликларнинг энг сеvimли масканига айланган.

Суратларда: «Дўстлик» канали қирғоқларидаги сўлим жойлар ва замонавий фавворалар.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ МИҚДОРINI ЯНАДА ОШИРИШ, ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШINI ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг касби обрўси ва нуфузини ошириш, малакали кадрларни илмий ва педагогик фаолиятга жалб этиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, шунингдек, олимлар ва ўқитувчиларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишда иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Мазлумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими-

ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3655-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим машоғули миқдорлари 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб табақалаштирилган ҳолда ўртача 25 фоизга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муноса-

батлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг:

2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи миқдорини 2 баравар ошириш;

2018 йил 1 сентябрдан илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини эгаллаб турган лавозими ва илмий фаолият соҳасидан келиб чиқиб, 30 фоиздан 100 фоизгача табақалаштирилган миқдорда ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

(Давоми 3-бетда)

DORSA®

KOTTEJ UCHUN PO'LAT ESHIKLAR

● Ishonchli tuzilish
● Showqin va issiqlik izolatsiyasi
● Zamonaviy dizayn

МЕТАЛЛИЧЕСКИЕ КОТТЕДЖНЫЕ ДВЕРИ
● Надежная конструкция
● Шумо и теплоизоляция
● Современный дизайн

Tel: (+998 99) 595 55 55 www.dorsa.uz
info@dorsa.uz

ХК «SAM FERRE» ижтимоий-иқтисодий

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА ISO 9001:2015

ПКП ООО «ИЖОЗ - ВЕНТИЛЯЦИЯ»
e-mail: ijhoz-vent@mail.ru сайт: www.ijhoz-vent.uz
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68
Товары сертифицированы

МИНСКИЙ АВТОМОБИЛЬНЫЙ ЗАВОД
БЕЛОРУССКИЙ ПРОИЗВОДИТЕЛЬ ПРЕДЛАГАЕТ СВОЮ ПРОДУКЦИЮ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР МИНСКОГО АВТОМОБИЛЬНОГО ЗАВОДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ИНОСТРАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ ООО «MAZ-TASHKENT», 100005 г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. 8 марта, 57.
Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88.
Факс: (+998 71) 291-68-94. E-mail: maztashkent@mail.ru

РЕКЛАМА МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ КАФОЛАТИ

ЎЗБЕКИСТОН БУНЙОДКОРИ

+99871 244-21-71 +99871 244-21-71
uzbunyodkori@mail.ru

6

КЎЗГҮ

Тошкент вилоятида фаолият кўрсатувчи зиё тарқатиш масканлари сони яна биттага кўпайди – Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида янги китоб мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Ҳарбий билим юртининг китоб маркази

Тошкент вилоятида фаолият кўрсатувчи зиё тарқатиш масканлари сони яна биттага кўпайди – Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида янги китоб мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул зобитлари, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, билим юрти курсантлари, шунингдек, мазкур таълим масканда талабаларга таълим-тарбия бераётган ҳарбийлар ва уларнинг фарзандлари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этишга қаратилган эътибор, китоб-севарларни рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида илиқ фикрларни билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул зобитлари, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, билим юрти курсантлари, шунингдек, мазкур таълим масканда талабаларга таълим-тарбия бераётган ҳарбийлар ва уларнинг фарзандлари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этишга қаратилган эътибор, китоб-севарларни рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида илиқ фикрларни билдирдилар.

Шуҳрат ХўЖАЕВ, «Ўzbekiston bunyodkori» мухбири.



Шуҳрат ХўЖАЕВ, «Ўzbekiston bunyodkori» мухбири.



Ёш ижодкорлар мактаби

Марғилон шаҳрида жойлашган Эркин Воҳидов номидаги ўзбек тили ва адабиёти чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат замонавий жиҳозланган.



Обод бўлаётган сув соҳиллари

Ёши катталарнинг айтишича, бир замонлар Тошкентдаги ариқ ва анҳорлар сувини аҳоли истемол қилган, сувга нон ивитиб ейишган...

Ҳар бир фан хонаси видео проектор, компьютер жамланмаса билан таъминланган. Ижодий инновация, маҳорат хонаси, Эркин Воҳидов галереяси, 320 ўринли фаол зал, 80 ўринли ётоқхона, «Илҳом айвони» ташкил этилган.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Намунавий уйлар соҳиблари нимадан норози?

Бойсунлик фуқароларнинг бу йил ҳам намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйимизга сел кирди, ҳовлимизни лойқа сув босди, деган гапларига ишонгимиз келмади.

Негаки, бу уйлар олдингидек дуч келган жойга гуваладан тавakkал қурилмаган-да! Аниқ ҳисоб-ки-тоб, ҳавфсизлик масаласи ҳар томонлама эътибор олинди, тегишли ташкилотларнинг ҳулосаси ва малакали мутахассислар тавсияси асосида барпо этилган.

Барча аҳоли ҳавфсизлигини назарда тутмоқдамиз. Бундан саккиз йил муқаддам барпо этилган замонавий лойиҳа асосидаги 50 та намунавий уй Мустақиллик маҳалласи ҳудудидан ўтган Р-105 йўлининг ўнг томонидан ўтувчи катта сел йўли атрофида қад ростлаган. Бу селгадан тоғли туман марказида йилгилан ёмғир ва дўл сувлари оқади.

Жудай ўшаш. Жумладан, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳақиқатан ҳам уйларга зарар етганини қайд этиб, келгусида сел тошқинининг олдини олиш бўйича бойсун тумани ҳокимлигига ёзма кўрсатма берилгани, намунавий уй-жой қуришга техника хулоса берган масъул мутахассислар ҳаракатида қонуний баҳо бериш учун ҳужжатлар бойсун туман прокуратурасига юборилганини маълум қилган.

Жиддий талафот қўрган хонадонларни аниқлаб, зарарни тўлаб бериш чоралари кўрилмоқда. Шунга асосан ўн беш оилага 636 миллион 413 минг сўм пул тўланади. Ҳозир бу таклиф тегишли тартибда ҳукуматга берилган. Маҳалла ҳудудидан ўтган Р-105 йўлидаги кўприкда сел тошқинларининг олдини олиш бўйича химоя тўсиқлари ўрнатилиш учун қурувчилар ишламоқда.

Энг ачинарлиси, қирғоқлар атрофидаги юзага келган бундай аянчли ҳолатлар сувнинг ифлосланишига, сув ва сув бўйидаги ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг йўқ бўлиб кетишига, экологик, эпидемиологик ҳолатнинг кескин ёмонлашуви сабаб бўлмоқда.

Н. Усмонова, ЎЗА мухбири.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА. Муассис: «ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧК. Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати: Ботир Закиров, Шўхратходжа Хашимов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маждидов, Қўдратбек Хошимбеков, Обиджон Носировов. Тахририят: Бош муҳаррир, Бош муҳаррир ўринбосари, Саҳифаловчи, Мусоҳиҳ. Дилшод Жалолов, Абдуқулгалли Ҳакимов, Эркин Усмонов, Дилфуза Хабибова

Тахририят ҳамкорлари: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК, «ЎзШарҳорозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгерамчелТИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвент» ИК МЧК, қурилиш-лойиҳалаш институтлари. Тахририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (қўбўлона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва ошба бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс). E-mail: uzbyunodkor@mail.ru

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари: Андижон, Наманган ва Ферғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87. Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84. Самарқанд вилояти бўйича: (95) 560-30-45. Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбўтот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюроғи – Ғ-707. 2270 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоли келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган кўлемалар тафриз қилинмайди ва мўаллифга қайтарилмайди. Газета тахрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Бўёқ Турон» кўчаси, 41. Навбатчи муҳаррир – А. Ҳакимов. Навбатчи – Б. Ҳакимов. ЎЗА яқини – 2143. Топширилди – 22.40. 12 56